

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАРИБОВА НАФИСА УМИРБАЙ ҚИЗИ

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ЎТЛОҚИ АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚЛАРИДА ЯНГИ
ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЯСМИҚ НАВЛАРИНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ
ЎРГАНИШ**

06.01.08 –Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН–2023



**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Table of contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy
(PhD) in agricultural sciences**

Зарибова Нафиса Умирбай кизи

Хоразм вилояти ўтлоқи аллювиал тупроқларида янги ва истиқболли ямиқ
навларини маҳсулдорлигини ўрганиш.....3

Зарибова Нафиса Умирбай кизи

Изучение продуктивности новых и перспективных сортов чечевицы на
лугово-аллювиальных почвах Хорезмской области.....21


Zaribova Nafisa Umirbay qizi

Study of productivity of new and promising varieties of lentils on meadow-alluvial
soils of Khorezm region.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....44



**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАРИБОВА НАФИСА УМИРБАЙ ҚИЗИ

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ЎТЛОҚИ АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚЛАРИДА ЯНГИ
ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЯСМИҚ НАВЛАРИНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИНИ
ЎРГАНИШ**

06.01.08–Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН–2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Qx603. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.ddeiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Сотилов Ғойибназар Матвапаевич,
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Расмий оponentлар: Ёрматова Дилором Ёрматовна,
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.
Исроилов Иномжон Абдурахмонович,
кишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент.

Етакчи ташкилот: Жанубий дехқончилик илмий-тадқиқот институти

Фалсафа доктори (PhD) Диссертация ҳимояси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил « 29 » август, соат 11⁰⁶ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 170600 Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05; факс: (+99874) 373-12-05; e-mail: ddeiti19@mail.ru; Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Маъмурий биноси, 2-кават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертация билан Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 02 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05;

Диссертация автореферати 2023 йил « 14 » 08 кун тарқатилди.
(2023 йил « 14 » 08 даги 02 -рақамли реестр баённомаси).




Р.И.Сидиков,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.


И.И.Абдуллаев,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.ф.н.(PhD), доцент.


С.О.Абдурахмонов,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д. профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёнинг 56 мамлакатда йилига 5,5 млн. гектардан ортиқ майдонда ясиқ етиштирилиб, умумий ҳисобда 6,3 млн. тонна; гектаридан эса ўртача 12,0 центнердан дон етиштиришга эришилиб, мазкур ўсимлик “озиқ-овқат саноатида турли озуқабоп маҳсулотлар тайёрлашда хом-ашё сифатида ишлатилиб келинмоқда. Дунё аҳолисининг дуккакли донларга бўлган талабининг ортиб бориши негизда ясиқ донига бўлган эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда”¹. Биргина 2020 йилда ясиқнинг умумий дон ҳосилдорлиги 6,7 млн/т ни ташкил этганлиги ясиқ донига бўлган эҳтиёж ортиб бораётганлигидан дарак беради. Юқорида келтирилган жаҳон маълумотлардан кўриш мумкинки, ясиқнинг дон ҳосилдорлигини дунё деҳқончилигида, талабларга мувофиқ равишда ошириб бориш асносида, яратилган янги навларнинг агротехник тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан биридир.

Дунё қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган дуккакли дон экинлари инсон учун энг зарур оқсил, ёғ ва углеводларга бой бўлганлиги сабабли инсон организми томонидан кўп талаб қилинадиган озуқа маҳсулоти ҳисобланади. “Жаҳон мамлакатларида ясиқни энг кўп экспорт қиладиган мамлакатларга Канада 75%, Ҳиндистон 15% ва АҚШ 5% давлатлари киради”². Жаҳон бўйлаб ясиқ дуккаклилар ичида сифати жуда юқори ва тўйимли оқсил манбаи бўлгани учун, ушбу ўсимликни етиштириш майдонлари сезиларли даражада ортмоқда. Ясиқ дони таркибида тез ҳазм бўладиган оқсил 25–30% ва 2,2–3,2% ёғкислотаси таркибига кўра қимматбаҳо мой, 55,7–60,3% углевод, 6 фоизгача турли минерал моддалар ва 12 та асосий витаминлар сақлаши билан қимматлидир. Ясиқ тупроқни азот билан бойитувчи экин тури бўлиб, *Rhizobium*, бактериялари эркин азотни симбиоз қилиш ҳамда тупроқ унумдорлигини тиклашда ёрдам беради. Ясиқ етиштиришнинг мажмуий агротехнологияларини ишлаб чиқиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш республика қишлоқ хўжалигидаги долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Республикада кейинги йилларда дон-дуккакли экинларни экишга ва улар етиштириладиган майдонларни кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда, аммо ясиқ майдонлари ҳалигача жуда кам майдонни эгаллайди. Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитида ясиқ навлари мутлақо экилмаган ва ўрганилмаган, шунинг учун вилоятнинг ўтлоқи аллювиал тупроқларида ясиқнинг навларни экиб ўрганиш, ривожланиш фазалари, вегетатив ва генератив органларининг ривожланиш динамикаси, донларнинг кимёвий таркиби, экиш меъёрларини аниқлаш ҳамда етиштиришнинг агротехнологиясини илмий асослаш масаласи бугунги энг долзарб масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7

¹ <https://www.atlasbig.com/ru/>

² <https://www.fao.org/>

февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ва 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги³ фармони, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ясмиқ ўсимлигининг биологик хусусиятларини ўрганиш, етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича хорижий олимлардан академик Н.И. Вавилов, Е.Барулина, С.И.Сорокин, Т.Горпиченко, В.А. Емелянова, Д.Е. Галда, Ю.А. Бобкова, М.Т. Голопятов, А.Э.Слинкард., Э.Денисов, А.Солодовников, Д.Уполовников ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлса, Республикамизда эса В.Н.Чирков, М.Когай, Х.Атабаева, Д.Ёрматова ва М.Маннаповалар томонидан ясмиқ ўсимлигининг агротехнологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ, ясмиқ навларини етиштиришда маъданли ўғитлар меъёрлари ва экиш меъёрларини ўсимликни ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш бўйича етарлича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №5. 29.01.2019 йил «Хоразм вилояти ўтлоқи аллювиал тупроқларида янги ва истикболли ясмиқ навларининг маҳсулдорлигини ўрганиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган (2019–2021 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади. Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ясмиқнинг “Дармон” ва “Сарбон” навлари уруғларини экиш меъёрлари ҳамда фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиклантириш миқдорларини ўсиши, ривожланиши, дон ҳосилдорлиги ва доннинг сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ясмиқ навлари уруғларини экиш меъёрлари ҳамда фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиклантириш миқдорларини кўчат қалинлигига таъсирини аниқлаш;

ясмиқ навлари уруғларини экиш меъёрлари ҳамда фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиклантириш миқдорларини ривожланиш даврларининг

³ <https://lex.uz/docs/4567334>

давомийлигига таъсирини аниқлаш;

ясмиқ навлари уруғларини экиш меъёрлари ҳамда фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиқлантириш миқдорларини барглар сони, барг сатҳи ва фотосинтез маҳсулдорлигига таъсирини аниқлаш;

ясмиқ навлари уруғларини экиш меъёрлари ҳамда фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиқлантириш миқдорларини ҳосил элементларининг шаклланишига таъсирини аниқлаш;

ясмиқ навлари уруғларини экиш меъёрлари ҳамда фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиқлантириш миқдорларини дон ҳосилига таъсирини аниқлаш;

ясмиқ навлари уруғларини экиш меъёрлари ҳамда фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиқлантириш миқдорларини доннинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

ясмиқ навларини турли экиш меъёрларида фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиқлантириб етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида ўтлоқи аллювиал тупроқ, ясмиқнинг “Дармон” ва “Сарбон” навлари, уруғ экиш меъёрлари, фосфорли ва калийли ўғитлар меъёрлари олинган.

Тадқиқот предмети бўлиб ўрганилган барча технологик тадбирларнинг таъсирида ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ўсимликда борадиган физиологик жараёнлар, экиш меъёрининг дон ҳосилдорлигини шаклланишига таъсири, доннинг озиқавийлик хусусиятлари, дон таркибидаги кимёвий моддалар миқдори ва ясмиқ экишнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услублари. Илмий тадқиқот ишларида олиб борилган фенологик кузатувлар ва биометрик ўлчовлар “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур” ва “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ЎзПИТИ, 2007) асосида ўтказилган. Ясмиқда фотосинтез соф маҳсулдорлигини аниқлаш (Сакснинг ярим барглар методида), барг сатҳи индексини аниқлаш методи LAI-COR 3100 ускунасида бажарилди, шунингдек олинган натижалар Б.А. Доспехов бўйича Microsoft Excel дастури ёрдами асосида математик статистик таҳлил қилинди ва ҳисобланди. Тажриба майдонидаги тупроқни туз миқдори сувли сўрим услубида таҳлил қилинди, азот, фосфор, калий ва гумус миқдори одатдаги умумқабул қилинган усуллар ёрдамида аниқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ясмиқнинг “Дармон” ва “Сарбон” навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда мақбул уруғ сарф меъёри ҳамда фосфорли ва калийли ўғитлар билан озиқлантириш миқдорлари аниқланган;

ясмиқ навлари уруғларини гектарига 1,5 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг $P_{80}K_{50}$ кг/га меъёрлари билан озиқлантириш поя баландлигини минерал ўғитлар қўлланилмаган майдонга нисбатан “Сарбон” навида шоналаш фазасида 8,0 см, гуллаш

фазасида 9,6 см, дуккаклаш фазасида 9,1 см, пишиш фазасида 8,2 сантиметргача, “Дармон” навида эса шоналаш фазасида 7,3 см, гуллаш фазасида 8,5 см, дуккаклаш фазасида 10,0 см, пишиш фазасида 9,1 см гача, барг сатҳи “Сарбон” навида шоналаш фазасида 37,5 см²/туп, гуллаш фазасида 32,5 см²/туп, дуккаклаш фазасида 38,0 см²/туп, пишиш фазасида 36,1 см²/туп гача, “Дармон” навида эса шоналаш фазасида 41,2 см²/туп, гуллаш фазасида 37,9 см²/туп, дуккаклаш фазасида 48,7 см²/туп, пишиш фазасида 41,4 см²/туп гача юқори бўлиши аниқланган;

ясмиқ навларида юқори куруқ масса тўпланиши гектарига 1,5 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг P₈₀K₅₀ кг/га меъёрлари билан озиклантирилган вариантларда бошқа вариантларга нисбатан майсалаш фазасида 0,08–0,15 т/га, шохланиш фазасида 0,31–1,43 т/га, гуллаш фазасида 1,48–1,51 т/га, дуккаклаш фазасида 1,93–2,16 т/га, пишиш фазасида 2,37–2,54 т/га гача, фотосинтез соф маҳсулдорлик 3,3–3,7 г/м²/кунгача юқори натижа олиниши исботланган;

ясмиқ навлари уруғларини гектарига 1,5 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг P₈₀K₅₀ кг/га меъёрлари билан озиклантириш бошқа экиш меъёрларида экилиб, минерал ўғитлар қўлланилган вариантларга нисбатан ўзининг самарали эк8+а2нлигини кўрсатиб, назорат вариантга нисбатан бир туپ ўсимликда дуккаклар сони 2,6–3,8 донагача, бир туپ ўсимликда уруғ вази 1,12–2,20, 1000 дона дон вази 3,17–3,97 граммгача юқори бўлиши кузатилган.

Тадқиқотларнинг амалий натижалари

Марказий минтақа Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида ясмиқнинг “Сарбон” нави дон ҳосили эрта баҳорда 1,5 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилиб, гектарига фосфор 80 кг/га, калий 50 кг/га миқдорда ўғитлар қўлланилганда дон ҳосилдорлиги назорат вариантга қараганда 7,6 центнерга ошган. Ясмиқнинг “Дармон” навида гектарига 1,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилиб, маъданли ўғитлар қўлланилмаганда дон ҳосили 15,4 ц/га, 1,5 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда 17,3 ц/га, ва 2,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилганда 16 ц/га, дон ҳосили олинган. Бу кўрсаткич маъданли ўғитлар фосфор 80 кг/га ва калий 50 кг/га берилган вариантга нисбатан 6,9, 6,8 ва 6,3 центнерга кам бўлганлиги кузатилди. Энг юқори дон ҳосили “Сарбон” навида туپ сони 1,5 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида, маъданли ўғитни фосфор 80 кг/га ва калий 50 кг/га берилганда олинди ва 24,3 ц/га ни ташкил қилди;

Ясмиқнинг “Сарбон” ва “Дармон” навларини экиш меъёрлари ва маъданли ўғитлар меъёрига боғлиқ ҳолда дон таркибидаги оксилга таъсир кўрсатиб, экиш меъёри ошган сари оксил миқдори камайган. Ясмиқ навлари 2,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида, фосфор 80 кг/га, калий 50 кг/га миқдорда берилиб экилганда оксил миқдори маъданли ўғитлар назоратга нисбатан “Сарбон” навида 1,2–1,4% га, “Дармон” навида 1,1–1,3 % га ошган;

Ясмиқ навлари донининг кимёвий таркиби ва уларнинг технологик жиҳатдан ўзгариши, доннинг оксил, мой каби кўрсаткичлари аниқланганда

озик овқат маҳсулотлари талабларига мос келиши ўрганилган.

Турли меъёрда маъданли ўғитлар ва экиш меъёрларини яслиқ навларини етиштиришда иқтисодий самарадорлигига таъсир кўрсатиб, 1,5 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган майдонда “Сарбон” навида фосфор 80 кг/га, калий 50 кг/га қўлланилганда соф даромад 8421 минг сўм, бир центнер яслиқ донининг таннари 271100 минг сўми ташкил қилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижда ва республикада ўтказилган илмий ишларнинг таҳлили, хорижий ва маҳаллий илмий конференцияларда муҳокамадан ўтганлиги, ҳар йили ўтказилган апробациядан тажрибаларни услубий томондан тўғри бажарилганлиги, натижалар математик ва статистик дисперсион усулда таҳлил қилинганлиги; олинган натижалар ишлаб чиқариш тажрибалари синовидан ўтказилганлиги ҳамда Олий Аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган нашрларда чоп этилганлиги илмий ишнинг ишончилигини билдиради.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида турли меъёрдаги маъданли ўғитлар, турли экиш меъёрларни қўллашда яслиқ навларининг ўсиши, ривожланиш фазалари ҳамда дон ҳосили ва доннинг кимёвий сифат белгиларига ижобий таъсири илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, биринчи марта Хоразм вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқларида яслиқ навларини экиб яслиқнинг “Сарбон” ва “Дармон” навларини биологиясига мос юқори дон ҳосилини таъминлайдиган агротехнологиясини такомиллаштириш эвазига гектаридан 13–15 ц/га дон етиштирилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм вилояти шароитида яслиқнинг маҳаллий “Сарбон” ва “Дармон” навларини мақбул экиш меъёрларини аниқлаш ва экиш меъёрларига боғлиқ ҳолда минерал ўғитларга бўлган талабини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот илмий натижалари асосида:

Хоразм вилоятида фаолият олиб бораётган фермер хўжаликлари учун “Яслиқ етиштириш агротехникаси” номли тавсиянома ишлаб чиқилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 05.09.2022 йилдаги №07/23-04/6241-сонли маълумотномаси). Мазкур тавсиянома фермер хўжаликларида яслиқнинг маҳаллий навларини етиштиришда муҳим қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

яслиқнинг маҳаллий “Сарбон” ва “Дармон” навлари Гурлан тумани “Байнал соҳили” фермер хўжалигида 7 гектар, Янгиариқ тумани “Адамбоева Чамангул” фермер хўжалигида 5 гектар, Шовот тумани “Руслон Усмон Сардор” фермер хўжалигида 4 гектар, жами 16 гектар майдонга амалиётга жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 05.09.2022 йилдаги №07/23-04/6241-сонли маълумотномаси). Натижада яслиқ навлари уруғларини гектарига 1,5 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида юқори

самарадорликка эришилган;

ясмиқнинг “Сарбон” ва “Дармон” навларини гектарига 1,5 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилиб, минерал ўғитларнинг $P_{80}K_{50}$ меъёрлари билан озиклантирилганида, “Сарбон” навидан 24,9 ц/га, “Дармон” навидан 22,8 ц/га дон ҳосили етиштирилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 05.09.2022 йилдаги №07/23-04/6241-сонли маълумотномаси). Натижада “Сарбон” навидан 8,421 минг сўм/га, “Дармон” навидан 7,662 минг сўм/га соф даромад олишга эришилган

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари ҳар йили Урганч давлат университети ва “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази” билан ҳамкорликда ташкил этилган апробация комиссиялари томонидан “яхши ва “аъло” баҳоларга баҳоланган. Тадқиқотдан олинган натижалар 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси асосида жами 7 та илмий мақола чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр қилинган ва 1 та тавсиянома нашрдан чиққан.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги, зарурати асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган. Шу билан бирга Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқот усуллари ва услублари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларини апробация кўригидан ўтказилганлиги, тадқиқот натижалари юзасидан нашр этилган ишлар ҳамда диссертация ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг «**Ясмиқ навларининг ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига қўлланилган агротехник тадбирларнинг таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси юзасидан хорижий ва маҳаллий шароитларда олиб борилган илмий тадқиқот натижалари шарҳланган.

Шунингдек, ясмиқ уруғларини турли экиш муддатлари, уруғ сарф меъёрлари ҳамда маъданли ўғитлар билан озиклантириш миқдорларини

кўчатларнинг униб чиқиши, кўчатларнинг яшовчанлиги, ўсиши ва ривожланиши, ҳосил элементларининг шаклланиши, дон ҳосилдорлиги ҳамда доннинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири ва самарадорлиги юзасидан маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот олиб борилган худуднинг географик жойлашув ўрни, тупроқ ва иқлим шароити, тажриба олиб бориш услубиятлари» деб номланган иккинчи бобида, тадқиқот ўтказилган худуднинг географик ўрни, тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари, тажриба майдонида олиб борилган тупроқ ва ўсимликлар таҳлиллари ва фенологик кузатувлар услублари ҳамда қўлланилган агротехник тадбирлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотлар 2019–2021 йиллари Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Хоразм илмий-тажриба станцияси тажриба даласида олиб борилган бўлиб, тупроқнинг озуқа элементлари билан таъминланиш даражаси аниқланганида, нитрат, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий билан кам даражада таъминланганлиги аниқланган.

Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитида олиб борилган бўлиб, бунда дала тажрибаларини жойлаштириш, ҳисоблаш ва фенологик кузатувлар олиб боришда «Методика проведения полевых опытов с масличными культурами» (Краснодар, 2010), “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ЎзПТИ, 2007), тупроқнинг 0–30 ва 30–50 см. қатламларидан агрохимёвий хусусиятларини аниқлашда «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» услубий қўлланмаларидан фойдаланилган ҳолда олиб борилган. Тажрибалардан олинган маълумотларга статистик ишлов бериш Б.Доспехов (1985)нинг услубий қўлланмаси бўйича дисперсион таҳлил асосида ҳисоблаб чиқарилганлиги баён қилинган.

Агрохимёвий таҳлилларни олиб боришда тупроқнинг 0–30 ва 30–50 см. қатламларидан тупроқ наъмуналари олиниб, гумус миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари А.Ф.Гриценко, И.М.Мальцева, нитратли азот миқдори Грандвальд–Ляжу, ҳаракатчан фосфор миқдори Б.П.Мачигин, алмашинувчи калий миқдори П.В.Протасов усулида аниқланган.

Тажриба 36 та вариантдан иборат бўлиб, 3 такрорланишда, кўп ярусда жойлаштирилди. Тажриба даласида эгат кенлиги 60 см, узунлиги 50 м. Ҳар бир бўлакчалар майдони 240 м², ҳисобга олинандиган майдон 120 м². Тажрибаларнинг умумий майдони 2,6 га. Тажриба 3 йил давомида 1:1:1 (ғўза: ғалла : дуккакли экинлар) қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимида олиб борилди. Тажрибада ясимқнинг Давлат реестрига киритилган “Сарбон” ва “Дармон” навилари экилди.

Тажрибада ясимқнинг “Сарбон” ва “Дармон” навлари уч хил (1,0–1,5–2,0 млн/дона/га) кўчат қалинлигида экилиб, минерал ўғитларнинг турли (P₄₀; P₄₀K₅₀; P₆₀K₅₀; P₈₀K₅₀; P₁₀₀K₅₀ кг/га) меъёрлари қўлланилиб озиклантирилган ва ўсиб ривожланиши ҳамда дон ҳосилдорлиги ва

иктисодий самарадорлиги ўрганилган.

Ясмиқ навларини озиклантиришда азотли ўғитлардан фойдаланилмади, фосфорли ўғитлардан суперфосфат ($P_2O_5-20\%$) ва калийли ўғитлардан калий тузи ($K_2O-40\%$) ишлатилди. Тажрибада фосфорли ва калийли ўғитларнинг 100% миқдорида кузда, шудгор остига қўлланилди.


Диссертациянинг «Ясмиқ навларни ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига уруғ экиш меъёрлари ҳамда маъданли ўғитлар билан озиклантириш миқдорларининг таъсири» деб номланган учинчи бобида уруғ экиш меъёрлари ҳамда маъданли ўғитлар билан озиклантириш миқдорларини уруғларининг дала унувчанлигига ҳамда кўчат қалинлигига, вегетация даврининг давомийлигига, ўсиши ва ривожланишига, барг сатҳининг шаклланишига, фотосинтез соф маҳсулдорлигига, қуруқ масса тўплашига, ҳосил структурасига, дон ҳосилдорлигига ҳамда донининг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Тажриба вариантларидан кўчат қалинлиги бўйича олинган натижаларнинг кўрсатишича, амал даври бошида ясмиқнинг “Сарбон” нави экилган вариантларда юқори кўчат қалинлиги гектарига 1,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар ичида маъданли ўғитларнинг $P_{40}K_{50}$ кг/га меъёрлари қўлланилган 7-вариантда кузатилиб, бошқа вариантларга нисбатан 0,992 минг дона/га дан 4,960 минг дона/га гача, гектарига 1,5 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар ичида маъданли ўғитлар $P_{100}K_{50}$ кг/га меъёрларда қўлланилган 17-вариантда аниқланиб, бошқа вариантларга нисбатан 10,416 минг дона/га дан 25,296 минг дона/га гача, гектарига 2,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар ичида эса маъданли ўғитларнинг $P_{100}K_{50}$ кг/га меъёрлари қўлланилган 18-вариантда қайд этилиб, бошқа вариантларга нисбатан 9,920 минг дона/га дан 31,744 минг дона/га гача юқори бўлганлиги аниқланган.

Ясмиқнинг “Дармон” нави уруғлари экилган вариантларда униб чиққан кўчатлар сони ҳисобга олинганида юқори кўчат қалинлиги гектарига 1,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар ичида маъданли ўғитларнинг $P_{100}K_{50}$ кг/га меъёрлари қўлланилган 34-вариантда кузатилиб, бошқа вариантларга нисбатан 1,983 минг дона/га дан 19,829 минг дона/га гача, гектарига 1,5 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар ичида маъданли ўғитлар $P_{80}K_{50}$ ва $P_{100}K_{50}$ кг/га меъёрларда қўлланилган 32–35 вариантларда аниқланиб, бошқа вариантларга нисбатан 4,461 минг дона/га дан 25,281 минг дона/га гача, гектарига 2,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар ичида эса маъданли ўғитларнинг $P_{80}K_{50}$ ва $P_{100}K_{50}$ кг/га меъёрлари қўлланилган 33–36-вариантларда қайд этилиб, бошқа вариантларга нисбатан 3,965 минг дона/га дан 13,880 минг дона/га гача юқори бўлганлиги маълум бўлган.

Аммо амал даври охирига бориб, кўчат қалинлиги вариантлар кесимида таҳлил қилинганида, амал даври бошига нисбатан кескин фарқлар кузатилди. Жумладан, кўчат қалинлиги бўйича ҳисобга олиш ишларини олиб

борганимизда ясмиқнинг “Сарбон” навида юқори кўчат қалинлиги гектарига 1,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар ичида юқори кўрсаткич маъданли ўғитларнинг $P_{80}K_{50}$ кг/га меъёрлари қўлланилган 13 вариантда аниқланиб, бошқа вариантларга нисбатан 4,904 минг дона/га дан 11,869 дона/га гача, гектарига 1,5 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар ичида маъданли ўғитларнинг $P_{100}K_{50}$ кг/га меъёрлари билан озиқлантирилган 17-вариантда кузатилиб, бошқа вариантларга нисбатан 7,125 минг дона/га дан 41,882 минг дона/га гача, гектарига 2,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар орасида маъданли ўғитларнинг $P_{100}K_{50}$ кг/га меъёрлари билан озиқлантирилган 18-вариантда қайд этилиб, бошқа вариантларга нисбатан 7,573 минг дона/га дан 54,126 минг дона/га гача юқори бўлганлиги аниқланган.



1-расм. Уруғ экиш меъёрлари ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш миқдорларини ясмиқ навларининг кўчат қалинликларига таъсири

Ясмиқнинг “Дармон” нави экилган вариантларда кўчат қалинлиги ҳисобга олинганида, гектарига 1,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар орасида юқори натижа маъданли ўғитларнинг $P_{100}K_{50}$ кг/га меъёрлари қўлланилган 34-вариантда кузатилиб, бошқа вариантларга нисбатан 1,908 минг дона/га дан 31,521 дона/га гача, гектарига 1,5 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар ичида маъданли ўғитларнинг $P_{80}K_{50}$ кг/га меъёрлари билан озиқлантирилган 32-вариантида кузатилиб, бошқа вариантларга нисбатан 2,938 минг дона/га дан 48,804 минг дона/га гача, гектарига 2,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар орасида маъданли ўғитларнинг $P_{80}K_{50}$ кг/га меъёрлари билан озиқлантирилган 33-вариантда аниқланиб, бошқа вариантларга нисбатан 1,965 минг дона/га дан 42,605 минг дона/га гача юқори эканлиги қайд этилган.

Ясмиқ навларининг поя баландлигига ҳам уруғларни экиш меъёрлари ва маъданли ўғитларни қўллаш миқдорларининг таъсири сезиларли бўлганлиги кузатилди.

Жумладан, ясмиқ навлари поя баландлиги ривожланиш фазалари кесимида таҳлил қилинганда, юқори натижа ҳар икки навда ҳам бир хил қонуният

такрорлангани кузатилиб, “Сарбон” навини гектарига 1,5 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилиб, маъданли ўғитлар $P_{80}K_{50}$ кг/га меъёрида қўлланилган вариантларда поя баландлиги шоналаш фазасида 25,3 см, гуллаш фазасида 38,9 см, дуккаклаш фазасида 46,8 см, пишиш фазасида 50,7 сантиметрни ташкил этиб, уруғлар ушбу меъёрда экилган бошқа вариантларга нисбатан поя баландлиги шоналаш фазасида 3,9 сантиметрдан 8,0 сантиметргача, гуллаш фазасида 4,2 сантиметрдан 9,6 сантиметргача, дуккаклаш фазасида 3,9 сантиметрдан 9,1 сантиметргача, пишиш фазасида 3,4 сантиметрдан 8,2 сантиметргача юқори бўлганлиги аниқланган бўлса, “Дармон” навида поя баландлиги шоналаш фазасида 22,6 см, гуллаш фазасида 34,8 см, дуккаклаш фазасида 43,1 см, пишиш фазасида 46,9 сантиметрга тенг бўлиб, ушбу меъёрда экиб етиштирилган бошқа вариантларга нисбатан поя баландлиги шоналаш фазасида 2,8 сантиметрдан 7,3 сантиметргача, гуллаш фазасида 3,5 сантиметрдан 8,5 сантиметргача, дуккаклаш фазасида 3,4 сантиметрдан 10,0 сантиметргача пишиш фазасида 4,1 сантиметрдан 9,1 сантиметргача юқори бўлганлиги аниқланган.


Тажрибада парвариш қилинаётган яслиқ навларининг барг сатҳини шаклланиши ўрганилганида ҳам ўсимликларнинг поя баландлигига мос маълумотлар олинганлиги кузатилиб, юқори барг сатҳи гектарига 1,5 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилиб, маъданли ўғитлар $P_{80}K_{50}$ кг/га миқдорида қўлланилганда “Сарбон” навида шоналаш фазасига бориб 20,03 минг $m^2/га$, гуллаш фазасида 29,07 минг $m^2/га$, дуккаклаш фазасида 35,06 минг $m^2/га$, пишиш фазасида 20,58 минг $m^2/га$ ни ташкил этиб, шу уруғ сарф меъёрида экилиб, парвариш қилинган бошқа вариантларга нисбатан шоналаш фазасида 1,98 минг $m^2/га$ дан 5,58 минг $m^2/га$ гача, гуллаш фазасида 1,56 минг $m^2/га$ дан 5,02 минг $m^2/га$ гача, дуккаклаш фазасида 1,91 минг $m^2/га$ дан 6,07 минг $m^2/га$ гача, пишиш фазасида эса 1,84 минг $m^2/га$ дан 5,49 минг $m^2/га$ гача, “Дармон” навида шоналаш фазасида 19,68 минг $m^2/га$, гуллаш фазасида 28,78 минг $m^2/га$, дуккаклаш фазасида 35,45 минг $m^2/га$, пишиш фазасида 20,15 минг $m^2/га$ тўғри келиб, шу уруғ сарф меъёрида экилиб, парвариш қилинган бошқа вариантларга нисбатан шоналаш фазасида 2,14 минг $m^2/га$ дан 6,29 минг $m^2/га$ гача, гуллаш фазасида 1,96 минг $m^2/га$ дан 6,05 минг $m^2/га$ гача, дуккаклаш фазасида 2,22 минг $m^2/га$ дан 7,86 минг $m^2/га$ гача, пишиш фазасида эса 1,76 минг $m^2/га$ дан 6,32 минг $m^2/га$ гача юқори натижа кўрсатганлиги қайд этилган.

Яслиқ навларини ривожланиш фазалари бўйича биологик куруқ масса тўплаши вариантлар кесимида ўрганилганида ҳам юқоридаги қонуниятлар ўз исботини топганлиги кузатилди: ҳар икки навда ҳам юқори натижа гектарига 1,5 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилиб, маъданли ўғитларнинг $P_{80}K_{50}$ кг/га миқдорлари билан озиқлантирилган вариантларда қайд этилиб, ушбу уруғ меъёри сарфланган вариантларга нисбатан “Сарбон” навида гуллаш фазасида 62 ц/га дан 151 ц/га гача, дуккаклаш фазасида 13 ц/га дан 216 ц/га гача, пишиш фазасида 2 ц/га дан 256 ц/га гача, ушбу маъданли ўғитлар меъёрлари қўлланилиб, гектарига 1,0 ва 2,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан эса гуллаш фазасида 88–112 ц/га, дуккаклаш фазасида 76–117 ц/га, пишиш фазасида 112–167 ц/га гача юқори натижа

кўрсатганлиги аниқланди.

Ясмиқнинг “Дармон” нави экилган вариантлар таҳлил қилинганида ҳам юқори натижа гектарига 1,5/млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилиб, маъданли ўғитларнинг P₈₀K₅₀ кг/га миқдорлари билан озиқлантирилган вариантларда кузатилиб, ушбу уруғ меъёри сарфланган вариантларга нисбатан гуллаш фазасида 1,0 ц/га дан 148 ц/га гача, дуккаклаш фазасида 2,0 ц/га дан 193,0 ц/га гача, пишиш фазасида 2,0 ц/га дан 237 ц/га гача, ушбу маъданли ўғитлар меъёрлари қўлланилиб, гектарига 1,0 ва 2,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан эса гуллаш фазасида 35–53 ц/га, дуккаклаш фазасида 29–88 ц/га, пишиш фазасида 50–82 ц/га гача юқори натижа олинганлиги қайд этилган.

Тажрибада ясмиқ навлари уруғини ҳар хил экиш меъёрларида экиб, маъданли ўғитларнинг турли миқдорлари билан озиқлантиришнинг ҳосил элементлари шаклланишига таъсири сезиларли даражада бўлганлиги кузатилган.



2-расм. Уруғ экиш меъёрлари ва маъданли ўғитлар билан озиқлантириш миқдорларини ясмиқ навларини ҳосил элементларининг шаклланишига таъсири

Жумладан, ясмиқнинг “Сарбон” нави уруғлари гектарига 1,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилиб, маъданли ўғитларнинг P₈₀K₅₀ кг/га миқдорлари билан озиқлантирилган 13-вариантда бир ўсимликда дуккаклар сони 24,2 донани, бир ўсимликда мавжуд уруғлар вазни 4,35 гр ни, 1000 дона дон вазни 78,10 гр ни ташкил этиб, гектарига 1,0 млн дона унувчан уруғ экилган бошқа вариантларга нисбатан бир туп ўсимликда дуккаклар сони 0,4 донадан 2,1 донагача, бир ўсимликдаги уруғлар вазни 0,3 гр дан 2,0 гр гача, 1000 дона дон оғирлиги 0,9 гр дан 2,9 гр гача юқори бўлганлиги аниқланган бўлса, гектарига 1,5 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилиб, маъданли ўғитларнинг P₈₀K₅₀ кг/га миқдорлари билан озиқлантирилган 14-вариантда бир ўсимликда дуккаклар сони 23,9 донани, бир ўсимликда мавжуд уруғлар вазни 4,81 гр ни, 1000 дона дон вазни 80,30 гр га тенг бўлиб, гектарига 1,5 млн/дона унувчан уруғ экилган бошқа вариантларга нисбатан

бир туп ўсимликда дуккаклар сони 1,5 донадан 2,6 донагача, бир ўсимликдаги уруғлар вазни 0,8 гр дан 2,2 гр гача, 1000 дона дон оғирлиги 1,9 гр дан 4,0 гр гача, гектарига 2,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилиб, маъданли ўғитларнинг $P_{80}K_{50}$ кг/га миқдорлари билан озиклантирилган 15-вариантда бир ўсимликда дуккаклар сони 23,1 донани, бир ўсимликда мавжуд уруғлар вазни 3,74 гр ни, 1000 дона дон вазни 77,0 гр ни кўрсатиб, гектарига 2,0 млн дона унувчан уруғ экилган бошқа вариантларга нисбатан бир туп ўсимликда дуккаклар сони 0,1 донадан 5,3 донагача, бир ўсимликдаги уруғлар вазни 0,4 гр дан 2,1 гр гача, 1000 дона дон оғирлиги 0,9 гр дан 2,5 гр гача юқори бўлганлиги қайд этилган.

Ясмиқнинг “Дармон” нави экилган вариантларда ҳам юқоридаги қонуниятлар ўз аксини топганлиги кузатилиб, гектарига 1,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилиб, маъданли ўғитларнинг $P_{80}K_{50}$ кг/га миқдорлари билан озиклантирилган 31-вариантда, гектарига 1,0 млн дона унувчан уруғ экилган бошқа вариантларга нисбатан бир туп ўсимликда дуккаклар сони 0,5 донадан 4,3 донагача, бир ўсимликдаги уруғлар вазни 0,4 гр дан 1,2 гр гача, 1000 дона дон оғирлиги 1,2 гр дан 3,2 гр гача, гектарига 1,5 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилиб, маъданли ўғитларнинг $P_{80}K_{50}$ кг/га миқдорлари билан озиклантирилган 32-вариантда, гектарига 1,5 млн/дона унувчан уруғ экилган бошқа вариантларга нисбатан бир туп ўсимликда дуккаклар сони 0,2 донадан 3,8 донагача, бир ўсимликдаги уруғлар вазни 0,4 гр дан 1,1 гр гача, 1000 дона дон оғирлиги 1,2 гр дан 3,2 гр гача, гектарига 2,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилиб, маъданли ўғитларнинг $P_{80}K_{50}$ кг/га миқдорлари билан озиклантирилган 33-вариантда гектарига 2,0 млн/дона унувчан уруғ экилган бошқа вариантларга нисбатан бир туп ўсимликда дуккаклар сони 1,2 донадан 4,5 донагача, бир ўсимликдаги уруғлар вазни 0,2 гр дан 0,7 гр гача, 1000 дона дон оғирлиги 1,1 гр дан 3,5 гр гача юқори бўлганлиги аниқланган.

Маълумотлар шуни далиллайдики, ҳосил структураси ўз навбатида ҳосилдорликка таъсир қилувчи асосий омил ҳисобланиб, биз олиб борган тажрибамизда ҳам ҳосил структураси вариантларда етиштирилган дон салмоғига ўз таъсирини ўтказди.


Жумладан, ясмиқнинг “Сарбон” нави экилган вариантларда юқори дон ҳосилдорлиги уч хил уруғ экиш меъёрида ҳам маъданли ўғитларнинг $P_{80}K_{50}$ кг/га миқдорлари билан озиклантирилган вариантлардан олинганлиги кузатилиб, гектарига 1,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантдан бошқа гектарига 1,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 1,2 ц/га дан 6,6 ц/га гача, гектарига 1,5 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантдан, бошқа гектарига 1,5 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 1,2 ц/га дан 7,6 ц/га гача, гектарига 2,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантдан эса бошқа 2,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 1,2 ц/га дан 7,6 ц/га гача юқори бўлганлиги аниқланган.

Ясмиқнинг “Дармон” навида ҳам юқори дон ҳосилдорлиги маъданли ўғитларнинг $P_{80}K_{50}$ кг/га миқдорлари билан озиклантирилган вариантларда кузатилиб, гектарига 1,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантда

дон ҳосилдорлиги уч йилда ўртача 22,34 ц/га ни ташкил этиб, бошқа гектарига 1,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 0,9 ц/га дан 6,9 ц/га гача, гектарига 1,5 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантда дон ҳосилдорлиги ўртача 24,01 ц/га ни ташкил этиб, бошқа гектарига 1,5 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 0,7 ц/га дан 6,8 ц/га гача, гектарига 2,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантда эса уч йилда дон ҳосилдорлиги ўртача 22,28 ц/га тенг бўлиб, бошқа 2,0 млн/дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 0,8 ц/га дан 6,3 ц/га гача юқори бўлганлиги қайд этилган.

